




Совет тузумининг миллий рахбар ходимларга нисбатан катагонлик сиёсати (20-30 йй.)

1918 йил апрел ойида РСФСР таркибида Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикаси тузилди. Большевикларнинг мажбуран ён бериши билан ҳокимият органларида маҳаллий аҳоли вакиллари иштирок кила бошладилар. 1919 йил сентябр ойида маҳаллий аҳолининг Советларга жалб қилинишига ҳалакит берувчи, совет ҳокимиятининг ўлкадаги таянчи факат рус ишчилари деб ҳисоблайдиган, маҳаллий аҳолига ишончсизлик билан қаровчи Туркистоннинг бир қатор раҳбарларига нисбатан қоралар қўрилди. Шу ўринда қайд қилиш лозимки, ўлкада мустамлакачилик сиёсатини олиб боришда Марказ ташкил қилган Турккомиссия ва РКП (б) МК Туркбюроси, кейинроқ унинг ўрнига ВКП (б) МК нинг Ўрта Осиё бюроси каби ташкилотлар катта хизмат қўрсатдилар.

Туркистондаги раҳбар ходимлар, хусусан Турор Рискулов (Туркистон МИК раиси) бошчилигидаги миллий коммунистлар, Туркистон мустақиллиги ва унинг ўз тақдирини ўзи белгилашдек демократик тамойиллар учун кураш бошладилар. 1920 йилда ТКП Мусулмон бюросининг III-конференцияси ва ТКП нинг V-ўлка конференциясида Т. Рискуловнинг турк халқлари коммунистик партияси тузиш ва Туркистон Республикасини Турк республикаси деб аташ ҳақидаги гоялари қўриб чиқилди ва маъқулланди. Бироқ бу гояларнинг асл максоди Туркистон мустақиллиги бўлганлиги боис, Марказ Т. Рискулов ва унинг тарафдорларининг фикрларига қарши чиқди. Ўз навбатида Марказнинг Туркистондаги ҳукмронлигининг таянчи Турккомиссия бу ҳаракатни рад этди ва миллат фидойиларини қувгинга учратди.

Муаллиф:

11.03.2010 21:23 - Янгиланди 01.06.2025 17:35

Т. Рискулов ўлкада улуг давлатчилик шовинизми, буржуа миллатчилиги юзага келаётганлиги тўғрисидаги масалаларни кўтариб чиқдилар. Ф. Хўжаев партия ичидаги тоқат қилиб бўлмас ҳолатларни кўрсатиб ўтди. Ушбу ватанпарварларнинг чиқишлари, кейинчалик уларни жисмоний йўқ қилишда айблов учун асос бўлди.

Туркистоннинг социал — иқтисодий ривожланиши борасида билдирилган муқобил фикр муаллифлари миллатчиликда айбландилар. Айни шу давларда Ўзбекистоннинг илгор, хурфидрли фарзандлари «иноғомовчилик», «18 лар гуруҳи», «қосимов-чилик» қаб гуруҳбозликда ва давлатга қарши — миллатчиликда айланиб қатагон қилиндилар. 20-йилларнинг охирига қелиб республикада мустабид тузум ўзини тўлиқ намўён этди. Сиёсий қатагонликлар авж олди.

1929 йилда машҳур жадидчи, маърифатпарвар Мунавварқори Абрурашидқонов бошлиқ «Миллий истиклол» ташқилоти аъзоларини қамокка олиш бошланди. Бу ташқилотнинг қамокка олинган 85 аъзосидан 15 таси отилди, қолганлари ахлоқ тузатиш лагерларига жўнатилди. «Миллий иттиҳод» ташқилотининг аъзолари ҳам қатагон қилиндилар.

Машҳур жамоат арбоблари Маннон Абдуллаев (Рамзи), Носир Саидов, Маҳмуд Мирқодиев, Қосел Василев, Собир Қодиров ва бошқалар ўлим жазосига ҳукм қилиндилар, сўнгра бу ҳукм узок муддатли қамок жазосига алмаштирилди.

1930 йилда Давлат Банқи маъмуриятида ўтқазилган тозалаш вақтида қатор раҳбар қодимлар қамокка олиндилар. Ўзбекистон ССР Суди раиси Саъдулла Қосимовнинг «қосимовчилик» деб номланган ишини қўриб қикиш бошланди. Бу жараёнларнинг моҳияти қўзга қўринган сиёсий арбобларни тугатишга қаратилган эди.

30-йилларнинг боши диндор ва эътиқодли қишиларга нисбатан зўравонлик сиёсий қатагонликнинг чўққиси бўлди. Жуда қатта миқдордаги ислом, қристиан, будда динига тааллуқли асарлар йўқ қилинди. Бу даврда Ўзбекистондаги диндорлар, уламоларнинг асосий қисми қамок лагерларига жўнатилди. Ўтмишда нафакат диний русумлар адо этадиган, балқи маданият, фан, тарбия, санъат марказлари, халқнинг қўп асрлик меросини сакловчиси бўлган мақит ва мадрасаларнинг деярли барқаси ёпиб қўйилди, айримлари бузиб ташланди.

Бутун республиканинг ҳаёти Марказнинг қаттиқ назорати остига ўтди. Партия директиваларидан ҳар қандай қеқиниш ақсилинқилобий, сиёсий муқолифат деб бақоланди.

1937 йилдан «антисовет», «халқ душманлари»ни қидириб топиш ва жазолаш қенг тус олди. Қусусан, сиёсий бошқарув органларининг (ОГПУ) фаолияти асосан ана шундай «тамга» олган шахсларни қидириш ва текшириш билан боғлиқ бўлди. Масалан, Ф.

Хўжаев, А. Иқромов, Д. Манжара, А. Қаримов қаб партия ва давлат раҳбарлари қибсга олиндилар ва отиб ташландилар.

Ўзбекистон Ички Ишлар Халқ Қомиссарлигининг «уқлиқлари» олиб борган фаолияти оқибатида 1939-1953 йиллар мобайнида 61799 қиши қамокка олинган, улардан 56112 нафари турли йилларга қамок жазосига, қолганлари отишга ҳукм қилинган. Кейинроқ уларнинг қўпчилиги оқланди, минг афсуслар бўлсинқи, уларнинг ақсарияти бу адолатга ўлимидан сўнг сазовор бўлдилар.

1930-50-йилларда зиёлиларнинг таъқиб қилиниши

Муаллиф:

11.03.2010 21:23 - Янгиланди 01.06.2025 17:35

Катагон килинган санъат, фан ва маданият арбоблари мустабид тузум даврида ҳақ-хуқуқсизлик қурбони бўлдилар.

Адолат бир қадар қарор топиб, шахсга сизгиниш ва унинг оқибатларини тузатиш учун олиб борилган қурашлардан кейин асоссиз катагон килинган маданият ва фан арбоблари оқландилар.

Катагонликнинг янги тўлкинлари

80-йилларнинг ўрталарига келиб катагонлик ва қонундан чекинишлар яна бўй кўрсата бошлади. Ҳалдаги катагонлик тўлкинига нафакат ижод аҳли, балки ҳўжалик ходимлари ва давлат арбоблари ҳам тортилди.

Ўзбекистоннинг миллий зиёлилари ҳеч қачон, ҳаттоки мустабид тузумнинг «гуллаб-яшнаган» даврида ҳам ўзбек халқининг миллий мустикаллиги ғояларидан воз кечмадилар. Оқик қураш имқони бўлмаганда ҳам миллий мустикалликни қўлга киритиш учун зимдан қураш олиб бордилар.

Ўзбекистонда қонунчилиқ ва ҳуқуқий тартибларни тиклаш, партия давлат органларини кадрлар билан мустваҳкамлаш деган никоблар билан Марказдан катта вақолатга эга бўлган масъул ходимларнинг «десант» ғуруҳлари кела бошлади. Уларга партия, совет ва суд органларидан муҳим аҳамиятга эга бўлган лавозимлар берилди. Уйдирма, тўкиб чиқарилган «пахта иши» ва «ўзбеклар иши» деб ишларга сиёсий тус берилди. Оқибатда ғўёки бутун Ўзбекистон жинойтчилар маконига айланиб қолгандек тасаввур уйғотишга ҳаракат қилинди. Иттифокнинг Ғдлян ва Иванов бошлиқ эмиссарлар ғуруҳи республикадаги турли соҳаларда ишлаётган бир неча минглаб раҳбар ходимларни тергов жараёнига тортдилар.

Уларга порахўрлик, кўзбўямачилиқ ва жинойтчилиқнинг бошқа кўринишларидаги айбномалар кўйилди. Маҳбусларни «ўз айбига иқроқ қилиш» учун жисмоний зўравонликлар, руҳий азоблар кўлланилди. Ўзбекистон Компартияси МК нинг собиқ биринчи қотиби Ш.Р. Рашидов номига ҳам ноҳақ тухматлар қилинди, ўзбек халқининг миллий ғурури топталди. Бунда Ўзбекистон ССРнинг ўша даврдаги кўғирчоқ раҳбарларининг машъум ҳиссаси бўлди.

Оммавий қамокка олишлар авж олди, қийноқларга кўплаб ҳалол, соф виждонли қишилар ҳам тортилди. Кўшиб ёзишлар, кўзбўямачилиқ ва порахўрлик қабиллатлар социалистик жамиятда табиий ҳолат бўлиб, ўша пайтдаги барча республикаларда мавжуд ҳодиса эди. Ўзбекистонга нисбатан «пахта иши» олдиндан, маҳсус тайёрланган узокни мўлжаллаб ташқил қилинган сиёсий фитнадан бошқа ҳеч нарсаси эмасди.

Ўзбекистон Республикаси мустикалликка эришгандан сўнг «пахта иши» қайта кўриб қикилди ва минглаб бегуноҳ қишилар оқландилар. Ўз навбатида Ўзбекистоннинг моҳир, таниқли давлат ва жамоат арбоби Ш.Р. Рашидовнинг пок номи тикланди. Шунингдек, меҳнатқаш ўзбек халқининг юзи ёруғ эканлиги асосланди.

Ўзбекистон Президенти И.А. Қаримовнинг ташаббуси билан 2000 йил 12 майда Тошқент шаҳрида Юнусобод мавзесида мустабид совет режими даврида катагон қилинган шахидлар хотирасига бағишлаб ўрнатилган ёдғорлик мажмуининг очилиши бугунги

Мустабид совет тузумининг Ўзбекистондаги катагонлик сиёсати

Муаллиф:

11.03.2010 21:23 - Янгиланди 01.06.2025 17:35

миннатдор авлоднинг аждодларимиз олдидаги чуқур эҳтироми рамзидир.